



КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЁКИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛАГА КИРИТИШ ЖИНОЯТИНИНГ КВАЛИФИКАЦИЯСИ ВА ЖАЗО ТАЙИНЛАШ МАСАЛАСИ

Одилов Жаҳонгир Шухратович

Судьялар олий мактаби тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6559883>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 05-May 2022

Ma'qullandi: 10-May 2022

Chop etildi: 17-May 2022

KALIT SO'ZLAR

Пленум қарор, жиноят кодекси, кучли таъсир қилувчи моддалар.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш жиноятининг квалификацияси ва жазо тайинлаш масалалари ҳақида фикр юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 27 ноябрдаги 33-сонли Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида пленумига кўра, кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни кўп миқдорни ташкил қилмайдиган миқдорда ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш учун айбдорлар ҳар қандай ҳолларда ЖК 251¹-моддасининг биринчи қисми билан жиноий жавобгарликка тортилади.¹

Агар мазкур ҳаракатлар айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда — такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уюшган гуруҳ томонидан ёхуд кўп миқдорда содир этилган бўлса, қилмиш тегишли равишда ЖК 251¹-моддасининг иккинчи ёки учинчи қисми бўйича квалификация қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ЖК 251¹-моддаси бошқа махсус қисм моддаларидан фарқли равишда алоҳида тузулишга эга.

Яъни:

ЖК 251¹-моддаси биринчи қисми – унча оғир бўлмаган жиноят сифатида;

ЖК 251¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари қисмлари – оғир жиноят сифатида баҳоланса, ваҳоланки ЖК 251¹-моддаси тўртинчи қисми

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 27 ноябрдаги 33-сонли Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари

бўйича суд амалиёти тўғрисида
(<https://lex.uz/docs/5809125>)



субъектив томонида қасддан содир этилмаганлиги учун – яна унча оғир бўлмаган жиноят сифатида баҳоланади.

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш (ЖК 251¹-моддасининг тўртинчи қисми) одамнинг узоқ муддат давомида касалланиши, атроф-муҳитнинг заҳарли моддалар билан ифлосланиши ва ҳк.ларда ифодаланиши мумкин. **Эҳтиётсизлик орқасида** баданга шикаст етказилиши ёхуд одам ўлиши ЖК 251¹-моддасининг тўртинчи қисми билан қамраб олинади ва ЖК Махсус қисмининг инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан квалификация қилишни талаб этмайди.

Фикримизча, агар ушбу жиноят эҳтиётсизликдан содир этилса, шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ, яъни модданинг ушбу қисмини декоимиализация қилиш тўғри бўлар эди.

Ёки, ЖК моддасини янада бойитиш керак бўлади, пленумга асосланадиган бўлсак, эҳтиётсизликдан одам ўлими келиб чиқса ҳам ЖК 251¹-моддаси қамраб олинади дейилган. Аммо жиноят кодексининг ушбу моддаси 4-қисмида келтириб ўтилган **жиддий зарар одам ўлимини қамраб олиши қанчалик тўғри бўлар экан.**

Тўғри, таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

165¹-моддасининг учинчи қисми билан жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган. Аммо бунда биз субъектив томонга эътибор беришимиз керак.

Иккинчидан, ЖК 251¹ –моддаси 4-қисмида келтириб ўтилгандек, **“эҳтиётсизлик орқасида уларнинг ўғирланишига” дейилганда, айнан қанча миқдорда ўғирланиши (мисол: оз, кўп бўлмаган ёки кўп миқдор масаласи) масаласи аниқ эмас.**

Учинчидан, қонун чиқарувчи талон-тарож усуллари(босқичилик, фирибгарлик, ўғирлик, талончилик, растрата кабилар)дан фақатгина ўғирлик келтириб ўтган. Ваҳоланки, ушбу жиноят содир этилишида нафақат ўғирлик, балки бошқа талон-торож усулларида ҳам фойдаланиб содир этилиши кўпаймоқда.

Фикримизча, ЖК 251¹-моддадаги кучли таъсир қилувчи моддалар талон-торож йўли билан эгаллаш учун ҳам жавобгарлик белгилаш керак.

33-сонли пленум қарорда: Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини бунга рухсатномаси (лицензияси) бўлмаган дорихоналарда реализация қилиш кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш сифатида баҳоланиши ва ЖК 251¹-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади дейилган.

Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини бериш учун мўлжалланган рецептни уларни шахсан истеъмол қилиш мақсадида қалбакилаштириш ЖК 228-моддаси



билан, рецепт бундай воситаларни ўтказиш мақсадида қалбакилаштирилганда эса, ЖК 228 ва 251¹-моддалари мажмуи билан квалификация қилинади.²

Билимизки, жиноят содир этишда айбли деб толиган шахсларга нисбатан жазо тайинлаш Жиноят кодекснинг 54-моддаси асосида тайинланади.

Жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди. Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.³

Жазо тайинлаш умумий асолари ҳақида ҳам фикр юритсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хусусан, М.Х.Рустамбаевга кўра, жазо – жиноят ҳуқуқининг марказий институтларидан биридир, чунки у жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг етакчи шаклидир. Жиноий жавобгарликни амалга ошириш воситаси сифатида нафақат

жазо чоралари, балки бошқа хил жиноят-ҳуқуқий (тиббий, тарбиявий йўсиндаги мажбурий чоралар, шартли ҳукм ва ш.к.) таъсир чоралари қўлланиши боис, жиноий жавобгарлик жазодан фарқли ўлароқ, янада кенгроқ ва ихчамроқ юридик категория еканлигини таъкидлаш лозим⁴

Бир тарафдан жазо – шахс томонидан жиноят содир этилишининг мантикий оқибатидир, бошқа тарафдан эса, Жиноят кодекси томонидан ҳимоя қилинаётган ижтимоий муносабатларни тиклашнинг бир воситасидир ҳам. Айнан жиноятлар учун жазо тайинланиши жиноят қонунини ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш воситасига, ҳуқуқий нормаларни шахс, жамият ва давлатни ҳуқуққа хилоф тажовузлардан ҳимоя қилишнинг амалий воситасига айлантиради⁵.

Рус ҳуқуқшунос олими В.Н.Орловга фикрига кўра эса, юридик адабиётларда жазо тизими тушунчаси бир неча бор ўрганилган. Хусусан, 1889 йилда профессор И. Я.Фоиницкий жазо тизимини белгилаб берди ёки томонидан қўлланиладиган жазо чоралари мажмуи сифатида жазолар тизими маълум бир даврда берилган одамларнинг.

Агар турли хил жазо чоралари қонун ҳужжатларида маълум бир кетма-кетликда, тахмин билан киритилган бўлса юқоридан пастгача ўтиш, кейин жазо нарвонининг концепцияси олинади ва индивидуал

² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 27 ноябрдаги 33-сонли Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида (<https://lex.uz/docs/5809125>)

³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси <https://lex.uz/docs/111453#4914380>

⁴ Ахроров Б. Д. Мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарлик // Маъсул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор М.Х. Рустамбоев. – Т.: Адолат, 2007. – 268 б

⁵ М.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси 2-том Тошкент-2018. 336 б.



жазолар унинг қадамларини ташкил қилади. Ҳозирги вақтда ҳуқуқий адабиётларда жазо тизими тушунчаси жарималар турли йўллар билан белгиланади.

Бир қатор муаллифлар жиноий жазо тизимини тор маънода кўриб чиқдилар, фақат тизимнинг айрим хусусиятларига ишора қилдилар жиноий жазо ("жигарранг" ёндашув)⁶.

Жазо тайинлашдан қуйидаги асосий 3 та мақсад кўзланган бўлиб, бу ўз навбатида, жазонинг турларинг асосий мақсадига айланади. Яъни жазо тайинлашдан мақсад:

Биринчидан, маҳкумни ахлоқан тузатиш;

Иккинчидан, маҳкумнинг келажақда амалга ошириши мумкин бўлган жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш

Учинчидан, маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Юқорида кўриниб турганидек, Жазо тизими ва ушбу жазоларни шахсларга нисбатан тўғри тайинланишида давлатнинг тарбиялаш функцияси ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жиноят ҳуқуқидан барчамизга маълумки, жазо тизими 3 категорияга бўлинади.

Яъни:

- асосий жазолар;
- қўшимча жазолар
- аралаш жазолардир.

Ўзбекистон Республикаси
Жиноят кодексининг 43-моддасида

қуйидаги жазолар асосий жазо тури сифатида бериб ўтилган:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;

б¹) *мажбурий жамоат ишлари*;

в) ахлоқ тузатиш ишлари;

г) хизмат бўйича чеклаш;

д¹) озодликни чеклаш;

е) интизомий қисмга жўнатиш;

ж) озодликдан маҳрум қилиш;

з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш эса қўшимча жазо тури саналади.

РФ олими В.Н.Орлов рус жиноят қонунчилигидаги жазо тизимини қуйидагича таърифлайди: "Эътибор беришимиз керак бўлган жихат шундан иборатки, рус тилидаги "тизим" атамаси бир нечта маънода тушунилади⁷.

Яъни қуйидагилар:

1) ҳаракатларни тартибга солиш ва боғлашда маълум тартиб;

2) шакл

бирор нарсани ташкил қилиш;

3) яхлит нарса, бу мунтазам жойлашган ва ўзаро боғлиқ қисмларнинг бирлиги;

4) ижтимоий тизим, ижтимоий тузилиш шакли;

Бундан ташқари, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади;

5) вазифалари бўйича бир ҳил бўлган ташкилотлар ёки ташкилий

⁶ В.Н. Орлов Применение и отбывание уголовного наказания Москва -2015 -55 с

⁷ В.Н. Орлов Применение и отбывание уголовного наказания Москва -2015 –46 с.



жиҳатдан бир бутунга бирлаштирилган муассасалар тўплами;

6) техник қурилма, дизайни;

7) одатий ҳолга келган нарса ва оддий, мунтазам”⁸.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин. Шунинг учун ҳам муайян ҳуқудан маҳрум қилиш жазоси аралаш жазо саналади.

Жазонинг чора сифатидаги сифат белгилари таърифида таъсир кўрсатиш усулининг мазмундорлик томони, яъни унинг тури англанади (масалан, жарима кўринишидаги жазонинг сифат таърифи пулни ундиришда ифодаланади). Миқдор жиҳатидан таърифлаш у ёки бу усулни қўллаш чегараларини (масалан, жариманинг миқдорий таърифи сифатида унинг миқдори, озодликдан маҳрум етиш ҳолида жазони ўташ муддати ва ш.к. белгиларни) қамраб олади. Қонун томонидан белгиланган жазонинг мазкур таъриф белгиларидан четга чиқишга ҳеч ким ҳақли эмас⁹.

Фақат жазо доирасида чора сифатида суд жинойт қонуни асосида, жазо муддатлари ва тартибини белгилаган ҳолда, миқдорий, баъзан еса сифат чегараларда муайян аниқ бир шахсга нисбатан жазо чораси қўлланилишини белгилашга ҳақлидир¹⁰.

Жазо сифатида фақат мажбурлов хусусиятдаги чоралар, яъни ҳар кимнинг ихтиёридан қатъи назар, хусусан ушбу чоралар қўлланилаётган шахснинг ҳам, бошқа шахсларнинг (масалан, жазони ижро етиш органларининг хизматчилари бўлган ва шунингдек, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ва бошқа мансабдор шахсларнинг) ихтиёридан қатъи назар ижро етиш учун мажбурий бўлган чоралар тан олиниши мумкин. Бунда жазоланувчи шахснинг унга нисбатан қўлланилаётган жазо чораларига субъектив муносабатда бўлиши мазкур чораларнинг мажбурлов хусусиятда бўлишига таъсир кўрсатмаслигини инобатга олиш лозим.

Хусусан, маҳкум етилган шахс жазони ўзи ихтиёрий тарзда (масалан, жаримани ихтиёрий тўлаш) ўташи ҳам, жазо унинг ихтиёрига қарши (масалан, уни озодликдан маҳрум етиш ва ш.к.) йўсинда ижро етилиши ҳам мумкин ва бу жазонинг албатта ижро етилишини, яъни унинг мажбурлов хусусиятини бекор қилмайди. Жиноий жазонинг мажбурлов хусусияти унинг нафақат маҳкум томонидан, балки ҳар қайси бошқа субъектлар, хусусан, жазони ижро етиш органларининг ходимлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг маъмуриятлари томонидан албатта ижро етилишини талаб қилади.

Шу билан бир вақтда, шундай хусусийлик белгиси асосида ижро етилиши сўзсиз мажбурий бўлмайдиган, балки қандайдир субъектив омилларга боғлиқ бўлган (ўз айбига иқроор бўлишни) бошқа хил

⁸ В.Н. Орлов Применение и отбывание уголовного наказания Москва -2015 -84 с.

⁹ Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 2 . Jinoyat haqida ta'limot. Darslik. 2-nashr, to'ldirilgan va qayta ishlangan – T.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018

¹⁰ Ахроров Б. Д. Мансабдорлик жинойтлари учун жиноийжавобгарлик // Маъсул муҳаррир: юридик

фанлар доктори, профессор М.Х. Рустамбоев. – Т.: Адолат, 2007. – 268 б.



таъсир кўрсатиш чоралари қаторига қўшиб бўлмайди; жумладан, ишонтириш, тарбиявий чоралар ва шу каби усулларни жазо сифатида кўриб чиқиш мумкин емас.

Ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш усулини жазо сифатида тан олиш учун албатта қўйидаги шартга, яъни мажбурлов давлат томонидан қўлланилишига амал қилиш лозим.

ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган

тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин.

Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим.